

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнь ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 8744,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 % га ўсди.

2018 йил январь-июнь ойлари якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 2893,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6,0 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Андижон вилоятининг кўшган хиссаси 5,7 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2018 йил январь-июнга нисбатан % да
	2017 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнь	
I. ЯҲМ	6212,9	8744,3	107,8
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6028,0	8491,6	107,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	184,9	252,7	110,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6028,0	8491,6	107,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1888,5	2688,2	105,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1481,3	2638,5	118,3
Саноат	1130,5	2154,0	122,3
Қурилиш	350,8	484,5	105,2
Хизматлар	2658,2	3164,9	103,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	648,4	805,4	101,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	615,9	669,0	105,6
бошқа хизмат тармоқлари	1393,9	1690,5	102,7

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат – 122,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 25,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати –105,8 %, (31,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа–105,6 % (7,9 %), қурилиш – 105,2 % (5,7 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,9 % (9,5 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 102,7 % (19,8 %) ни ташкил этди.

2018 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 97,1 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 2,9 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,4 % пунктга ошди ва ҳисобот йилида 31,7 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 6,5 % пунктга ошди ва 31,1 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йил январь- июнда 37,2 % ни ташкил этди ва 2017 йилниг шу даврида (44,1 %) билан таққосланганда -6,9 % пунктга камайди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил январь-июнь



2018 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 9,5 % ни (2017 йил январь-июнь 10,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 7,9 % ни (10,2 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,8 % ни (23,1 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**



**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-
таҳлилий ишлар бўлими**
Нашр учун масъул: **Х.Хамракулов**
Тел: (0-374) 228-29-77